

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 6 май • № 18 (831)



Баркамол авлод – 2011

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида 29 апрель – 1 май кунлари Ўзбекистон ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод – 2011» спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

САЛОМАТЛИК ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Ушбу спорт мусобақаларида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар терма жамоалари вакиллари иштирок этди. Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри терма жамоаси энг юксак соврин – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мазкур «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчилари-

«Дамас» автомобиллари топширилди. Мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишни намо-



ён этган ўқувчи-ёшлар ҳам махсус совринларга эга бўлди. Спорт мусобақалари доирасида таниқли спортчилар, ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар, қадимий ва навқирон Термиз шаҳрининг диққатга сазовор жойларига



га табригининг асл нухаси ва Президент совғаси – «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Сурхондарё ва учинчи поғонадан жой олган Хоразм вилояти жамоаларига ҳам Президент совғаси



саёхатлар, турли шоу-концертлар ташкил этилди.

«Баркамол авлод – 2011» спорт мусобақаларининг навбатдаги финал босқичи Наманган вилоятида ўтказилди.

ЎЗА олган суратлар.

Эътибор ва ғамхўрлик

МЕХҲР ЗИЁСИДАН МУНАВВАР КЎНГИЛ



Диллардан ўчмагай марҳумлар ёди,
Улар машъал, чироқ йўлларимизда!
Яшашга, курашга олға чорловчи,
Муқаддас байроқдир кўлларимизда!

Бугунги авлодлар Сиздан миннатдор,
Бир умр фаровон, тинч кунлар учун!
Ёвлар бош кўтарса, жангларга тайёр,
Сиз каби Ватан деб аямас кучин!

Мамлакатимизда ёши улуг инсонлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда ногиронларига хурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш доимий эътиборда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

2011 йил 29 апрель

Тошкент шаҳри

№ 124

12 май – Халқаро ҳамширалар кунини нишонлаш ҳақида

Бутун дунё ҳамширалари ҳар йили 12 майда Халқаро ҳамширалар кунини нишонлайди. Ҳамшираларнинг касб байрами нишонлаш қарори 1899 йилда тузилган хотин-қизларнинг биринчи касбий уюшмаси Халқаро ҳамширалар кенгаши томонидан қабул қилинган.

Бу йилги Халқаро ҳамширалар куни «Уйғунликни таъминлаш – имкониятларни кенгайтириш ва тенгсизликни бартараф этиш» шиори остида ўтказилмоқда.

Инсон саломатлигини ҳимоя қилишда меҳнат қилаётган тиббиёт муассасаларидаги барча тиббиёт ҳамшираларининг хизматини янада юқори даражага кўтариш, уларнинг аҳоли саломатлигини сақлашдаги фаолиятларининг аҳамиятини инобатга олган ҳолда ва Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан

Б У Ю Р А М А Н:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари ҳамда даволаш-профилактика муассаса раҳбарларига:

1.1. Халқаро ҳамширалар кунига бағишлаб «Уйғунликни таъминлаш – имкониятларни кенгайтириш ва тенгсизликни бартараф этиш» мавзусида тадбир ва йиғилишлар ўтказилиши таъминлансин.

1.2. Таҷрибали, юқори билимга эга бўлган ҳамширалар рағбатлантирилсин.

2. Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ш. Э. Атахановга:

2.1. Тошкент тиббиёт академияси ва тиббиёт институтларининг «Олий ҳамширалик иши»

бўлимларида, тиббиёт коллежларида ушбу мавзуга бағишланган йиғилишлар уюштирилсин. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, ҳамширалик ишининг моҳияти ва аҳамияти, шунингдек, касб-хунар коллежи ўқувчиларининг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтиши ҳамда «Устоз-шогирд» амалиётига асосан, ўқувчиларни танлаган касбига қизиқтириш, мутахассислик бўйича зарур кўникмаларга, амалий иш таҷрибасига эга бўлиши ва келажакда ўз мутахассисликлари бўйича бандлигини таъминлаш масалалари талабалар ўртасида тарғиб этилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирининг биринчи ўринбосари А. В. Алимов зиммасига юклатилсин.

Вазир А. ИКРАМОВ.

УШБУ СОНДА:

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ИМКОНИАТЛАРИ

2-бет

Республика онкология илмий марказининг болалар онкологияси бўлими ҳақида

ПОДАГРА – КОВАРНАЯ БОЛЕЗНЬ СУСТАВОВ

6-стр

Подагра, или проще «отложение солей», – это заболевание обмена веществ...

ЯНГИЛИКЛАР

- шарх
- мулоҳаза
- таҳлиллар

МЕХНАТЛАР МУНОСИБ
ТАҚДИРЛАНДИ

Жорий йилнинг 2 май куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун эълон қилинган халқаро танлов ғолибларини тақдирлашга бағишлаб тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни, уларни эркин ва мустақил фаолият юритишини таъминлаш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш йўналишида кўпгина ишлар қилинаётганлигига алоҳида эътибор қаратди.

ортиқ ижодий иши билан қатнашган бўлса, бу йил танлов ҳайъатига 562 журналистандан 7,7 мингдан ортиқ ижодий иш қабул қилинди. Танловнинг бош миллий мукофоти Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий Ассоциациясининг «Озод юрт тўлкинлари» медиафестивали лойиҳаси (раҳбари Фирдавс Абдуҳолиқов) махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқ-



Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур танлов телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси йўналишларида йилдан-йилга ортиб бормоқда. Танланган мавзулар хилма-хиллиги, сифат ва таъсирчанлик доираси тобора кенг тус олмақда. Ўтган йили танловда 451 журналист 6,7 мингдан

доридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси йўналишлари бўйича ғолиблари ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари топширилди.

Ибодат СОАТОВА.

СОҒЛОМ ҲАЁТ – СОҒЛОМ
КЕЛАЖАК САРИ

Пойтахтимизда имконияти чекланган қизлар ўртасида халқаро футбол турнири бошланди.

Мусобақада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўзбекистон футбол федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси каби қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад имконияти чекланган қизларнинг спортга бўлган меҳри ва қизиқишини уйғотиш, шакллантириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдир.

Халқаро турнирда мамлакатимиз билан бирга, Тожикистон ва Қозоғистондаги ихтисослаштирилган мактаб ва Мурувват уйларида 8-15 ёшгача бўлган тарбияланувчиларидан иборат ўн бир жамоа иштирок этмоқда. Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

Б. АЙТУРОВА.

Юртимиз шифохоналарида

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ
ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ
ИМКОНИАТЛАРИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотларига кўра, кейинги йилларда болалар орасида хавfli ўсма касалликларининг кўпроқ учраётганлиги қайд этилган. Ҳар йили дунёда 180 мингга яқин болаларда ушбу хасталиклар аниқланиб, уларни тезкор даволаш, ташхис қўйиш борасида етарли тажриба кўникмалари тўпланади. Шунга қарамай, бизнинг мамлакатда ҳам мазкур хасталиклар бўйича олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада Республика онкология илмий марказининг болалар онкологияси бўлими фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

ликларини даволашда химиотерапиянинг ўрни ва таъсири алоҳида аҳамиятга эга. Шу тўғрисида амалиётга химиотерапиянинг қатор янги схема ва вариантлари (юқори миқдорли, неоадъювант, адъювант, регионар эндоартериал, модификаторлар) киритилмоқда. Комбиниранган ва комплекс даво таркибида нур терапияси

– Болаларда хавfli ўсма касалликларини эрта аниқлаш, ташхис қўйиш ҳамда замонавий усуллар билан даволаш бўйича кўпгина амалий муваффақиятларга эришилмоқда, – дейди болалар онкологияси бўлими бошлиғи Тожддин Мустафоев. – Чунки, дунё миқёсига солиштирадиган бўлсак, касаллик кўрсаткичи АҚШда кўпроқ, бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам мақтаса арзиғулик даражада эмас. Бизнинг тиббиёт тизимида иммунопрофилактика чора-тадбирларининг тезкор олиб борилиши натижасида нафақат хавfli ўсма, балки юқумли касалликлар бўйича ҳам эпидемик вазият барқарорлигини



ишлатилмоқда. Мазкур тоифадаги беморларни даволаш узок вақтни ташкил этганлиги боис, уларни ўқиш ҳамда тарбиясидаги узлуксизлигини таъминлаш мақсадида махсус шароитларга эгамиз, – дейди Тожддин Мустафоев.

Албатта, тиббиёт тармоғи ривожлангани каби касалликка ташхис қўйиш ва эрта даволаш усуллари ҳам тобора кенгайиб бораверади. Шу маънода Республика онкология илмий марказида мазкур йўналишдаги касалликларни даволаш учун замон талабидаги барча шарт-шароит, қулайликлар мавжуд. Биргина болалар онкологияси бўлими мисолида кўриш мумкин, бу ерда болажонлар саломатлигини сақлаш ва яхши-

кўриш мумкин.

Шифокор Тожддин Мустафоевнинг сўзларига кўра, касалликни эрта даволаш, ташхис қўйиш борасида бўлим қайта таъмирдан чиқарилган бўлиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Айниқса, болалар табиатиға хос хона муҳити, уларга қизиқарли бўлган йўналишларда машғулотлар ўтказиш учун ҳам етарли материаллар, дарсликлар, ўқув қўланмалари билан жиҳозланган.

Болаларда учрайдиган хавfli ўсма касалликлари орасида гистиоцитоз, тератобластома, жигар ва бош бўйин соҳаси ўсма хасталиклари жуда кўп учрайди. Касаллик даставвал лаборатор ва махсус рақамли тиббиёт имкониятларидан фойдаланган ҳолда текширилади. Даволаш жараёнида эса жаррохлик, химиотерапевтик дори воситалари, нур терапияси билан комплекс даво усуллари қўлланилади. Мазкур йўналишда бўлим ходимлари томонидан кўпгина илмий изланишлар, янги лойиҳалар амалиётга жорий қилиниб, тиббиёт ривожидида татбиқ этилмоқда. Хусусан, хавfli лимфомалар, нефробластома, тухумдон, бурун-ҳалқум ўсмалари ва суюқ сарко-



маларини даволаш бўйича ёш олимлар мактаби касалланмоқда. Шунингдек, ушбу касалликка чалинган бемор болаларни текшириш учун цитогенетик, иммуногистохимик ва ўсма маркерлари билан ишлаш каби замонавий текширув усуллари йўлга қўйилди. Кейинги йилларда хавfli ўсмаларда кенгайтирилган, бир вақтли реконструктив ва аъзоларни сақловчи операциялар амалга оширилмоқда.

– Қувонарли томони шундаки, болалар хавfli ўсма касал-

лаш ягона мақсадга хизмат қилади. Энг муҳими, бўлимидаги ходимларнинг болаларга ота-оналарча ғамхўрлик ва меҳру муҳаббатда бўлишлари ҳар қандай кишини қувонтириши табиий. Айниқса, даволашни шифо топган болаларнинг ота-оналари бу фикрлар қанчалик ҳақиқат эканлигини миннатдорлик хатларида яна бир бор ифода этадилар.

Намоз ТОЛИПОВ.
Суратлар муаллифи
А. САМАТХОДЖАЕВ.

ИНСОН – АЗИЗ, ХОТИРА – МУҚАДДАС

УСТОЗНИНГ ИБРАТ
МАКТАБИ

1955-61-йилларда Тошкент тиббиёт академияси талабаси бўлган давримда устоз Ҳақимжон Зоҳидий кўпчилик қатори мени ҳам ўзининг истеъдоди, ички ва ташқи маданияти, теран ақл-заковати, ўз касбига чексиз меҳру садоқати билан тиббиётнинг сеҳрли оламига етаклаб кирган, унинг ақл бовар қилмайдиган сир у асрорларидан воқиф этган, олижаноб инсон эди. Мана, орадан ярим асрдан зиёд фурсат ўтганига қарамай, талабалик йилларим ҳамон ёдимда.

Биз ўшанда 17-18 ёшга кирган, илмга чанқоқ йигит-қизлар эдик. Устознинг "Одам анатомияси" фанидан ўқиган ажойиб маърузаларини ҳайратланиб тинглаб, бу ёрқин таассуротларни қалбимиз тўрига абадий муҳрлаб олганмиз десам, муболаға бўлмайди. Зеро, у кишининг ўзига хос ва мос ширани овози, нотиклик санъати бор эди. Бу ажойиб инсон нафақат ўз касбининг етук билимдони, забардаст олими, йирик давлат ва жамоат арбоби, ёшларнинг моҳир ва жонқуяр мураббийси, балки нафис санъат ва адабиёт шайдоси ҳам эди.

Ҳақим Зоҳидий 1912 йили Тошкент шаҳрида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1926 йили ўрта мактабни тугатиб, тиббиёт билим юртининг тиш техниги бўлимига қабул қилинди. Тиббиётга бўлган қизиқиш таҳсил жараёнида унинг қалбидан бир умрга мустақкам ўрин олди. Билим юрти имтиёзли тугатган Ҳақимжон 1931 йилдан Самарқанд тиббиёт институтида таълим ола бошлади. Болалигидан биланга ташна, ҳаракатчан Ҳақимжон сеҳни ўқити ва тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. У 1936 йили институти муваффақиятли тугатиб, дастлаб Нурота тумани шифохонасида оддий шифокор, кейинчалик туман марказий касалхонасининг бош врачига бўлиб, астойдил ишлаб, тажриба орттирди. 1938 йили Ҳақим Зоҳидий тиббиётнинг назарий манбаларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Самарқанд тиббиёт институтининг нормал анатомия кафедрасига ассистент бўлиб ишга ўтиб, мураббийлик фаолиятини бошлаб юборди. Ўз устида тинмай изланиши туфайли 1941 йили "Одам скелетининг ривожланиши ва тараққиёти" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Орадан кўп ўтмай бошланган Иккинчи жаҳон уруши туфайли ҳарбий хизматга сафарбар этилди. Бироқ, 89-алоҳида ўқчи ўзбек бригадаси бош врачлари лавозимидан иш бошлаган Ҳақим Зоҳидийни тез орада ҳуку-

матнинг махсус қарори билан Самарқанд тиббиёт институти ректори этиб тайинланди. Уруш қизғин кетаётган йилларда устоз зиммасига нақадар катта масъулият юкланганлигини ҳис этишнинг ўзи унинг ташкилотчилик қобилияти ва салоҳиятига берилган катта баҳо, юксак ишонч эди. Кейинчалик у Тошкент давлат тиббиёт институтида ректор, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги лавозимларида ишлаб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилди, эл-юрт ҳурматида сазовор бўлди. 1972 йили Тошкент педиатрия тиббиёт институти ташкил этилган, одам анатомияси кафедрасига бошчилик қилди.

Ҳақим Зоҳидий Самарқандда таълим олган пайтлари адабиёт ва санъатга бўлган ўзгача меҳр, иштиёқ унинг келажакда баркамол инсон бўлиб шаклланишига салмоқли таъсир кўрсатганини алоҳида таъкидлаш жоиз. У Садриддин Айний, Ҳамид Омиржон, Уйғун, Усмон Носир, Миртемир ва бошқа кўплаб истеъдодли ижодкорлар билан яқиндан танишиб, адабий давраларда фаол иштирок этди. Ундаги адабиётга қизиқиш ўша даврнинг машҳур ёзувчиси Садрриддин Айнийнинг бефарқ қолдирмади. У ўз даври фарзанди сифатида ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга эътиборсиз қарай олмас эди. Бунга унинг қаламига мансуб "Муштум" журналда чоп этилган "Соғлар ва доғлар" номли юмористик ҳикоялари тўплами, шунингдек, "Ватан учун", "Икки қаҳрамон", "Юрак амри", "Устозингдан айрилма", "Гавҳарим" сингари драма асарлари мисол бўла олади.

Лавҳамиз дебечасида Ҳақимжон Зоҳидийнинг каминанага икки томонлама устозликлари ҳақида сўз юритган эдик. Бу унинг институтда ўқиб юрган кезларимизда менга ўхшаш кўплаб адабиёт ва санъат ихлосмандларини бағрига олиб, ёзган шеър ва ҳикояларимизни эринмай таҳрир қилиб, маслаҳатлар бериб, вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинишига оқ йўл тилаши билан боғлиқ бегараз ишлари ҳомийлигидир.

Ҳақим Зоҳидийни билган борки, унинг номини фақат илиқ сўз билан ёдга олади. Мен ана шундай олижаноб инсонга замондош ва шогирд бўлганимдан фахрланаман. Албатта, устоз қолдирган тиббиёт ва санъат мактаби асрлар оша янги авлод вакиллари ошно эта олиши шубҳасиз.

Искандар РАҲМОН.

Тошкент тиббиёт академиясининг фармакология кафедраси ташкил этилганига 90 йилдан ошди. Бу даврда фармакология кафедраси тарихида тиббиёт илмининг ривожланишига ҳисса қўшган турли миллат вакилларида иборат илм заҳматқашларининг изланишлари катта аҳамиятга моликдир. Кафедра тарихида из қолдирган замондошларимизнинг кўпчилиги афсуски, бугун ораимизда йўқ...

ЭЗГУ ИШЛАРИ ЁДИМИЗДА

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ профессор **Ўзув Боқиевич Зокиров** қайтадан фармакология кафедрасига мудир этиб тайинланди. Домла бу даврга қадар Тошкент давлат тиббиёт институтининг малака ошириш факультети декани, Тошкент фармацевтика институти ректори, Ўзбекистон фармакологлари илмий жамияти раиси ва турли лавозимларда самарали меҳнат қилган эди. Узок йиллик раҳбарлик лавозимларида Ў. Зокиров кўплаб шогирдлар тайёрлади. Уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишлари, етук олим, илм-фан заҳматқашлари бўлишлари йўлида фидойилик кўрсатди. 1989-98-йилларда кафедрада кўплаб доцентлар ва бир қатор тадқиқотчилар изланишлар олиб борди. 1990 йилларда эса Тошкент давлат тиббиёт институти фармакология кафедрасига кўплаб янги иқтидор соҳиблари келиб қўшилди. Улар кейинчалик номзодлик, докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишиб, мамлакатимизнинг турли тиббиёт институтларида, соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилишмоқда. Улар қайси жойда, қайси лавозимда ишлашмасин, жонажон маскан – фармакология кафедрасига тез-тез келиб, устоз-шогирдлар бир-бири билан дийдор кўришиб, ўтганлар номини ёдга олиб, хотирлашади. Кафедра тарихида ёрқин из қолдирган самимий инсонлардан бири **Дарवेशали Ёқубович Тешабоевдир**. У киши Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида туғилиб ўсган. Тошкент тиббиёт институтининг давлош факультетини тугатган. 1978 йилда кафедрага ассистент лавозимига қабул қилиниб, кейинчалик ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент бўлиб фаолият юритди. Аввал номзодлик ҳимоясини, кейинчалик илмий изланишларини

давлом этириб, «Ингичка ичак гидролитик функциясининг айрим аллергик ҳолатлардаги бузилишини антигистамин воситалар билан коррекциялаш» мавзусида докторлик ишини ҳимоялади. У танлаган мавзу долзарблиги жиҳатидан тиббиёт амалиёти учун ўта фаол муаммо ҳисобланади.

– **Дарवेशали Ёқубович кафедранинг фидойи мураббийларидан бири эди, – деб хотирлайди доцент Шарофиддин Махсумов.** – *Ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам у кишининг камтар, камсуқум ва меҳнат-севарлигини қадрлардик. Бошлаган ишини синчковлик билан охирига қадар тугатишга интилар, саранжом-сарийшта инсон эди. Тошкент тиббиёт академиясини тугаллаб, бугун халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётган кўплаб собиқ талабаларимиз ҳам у кишини соғинч билан эслайдик. Сабаби, устоз талабаларга дарс ўтишда, фармакология фани сир-асрорларини ўргатишда жуда фидокор инсон эди. Кафедрамиз жамоаси ҳамкасбимиз хотирасини тез-тез ёдга олиб туради.*

Кафедра тарихида қисқа вақт ичида ёрқин из қолдирган яна бир инсон **Даврон Нажимович Қаршиев** эди. У киши 1964 йил Нурота туманида туғилган. Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультетиде таҳсил олган, «Навоийазот» бирлашмаси поликлиникасида врач лавозими-

да ишлади. 1988 йилда фармакология кафедраси ассистентлигига қабул қилинди. Кейинчалик аспирантурада таҳсил олди. «Ароматик альфа кетакарбон кислоталарининг яллиғланишига қарши таъсир самодорлиги», «Ароматик

альфа кетакарбон кислотасининг унумлари – яллиғланишига қарши воситаларнинг янги гуруҳи» мавзуларида аввал номзодлик, кейин докторлик илмий ишини ёқлади. Бу изланишлар натижасида тиббиёт амалиётида янги фармакологик воситалар жорий этилди.

– Даврон Нажимович билан аспирантура давримиз бирга ўтган, – деб хотирлайди ҳамкасбларидан бири. – Мустақилликнинг дастлабки йиллари институтларда дарслик топиш муаммо эди. Фармакология кафедрасига Толиб Мусанов, Саидислом Абдуллаев, мен ва Даврон Қаршиевлар умид билан қадам қўйдик. Устозларимиз кўмағида ҳаммамиз илм машаққатларидан чўчимасдан илмий мавзуларга қўл урдик. Кейинчалик Давронжон Самарқанд тиббиёт институтига ишга кирди. Қисқа муддатда фармакология кафедраси мудирини этиб тайинланди. Билимли, тиришқоқ аспирантлар тайёрлади. Унинг кутилмаганда ҳаётдан кўз юмиши биз ҳамкасбларини чуқур қайғуга солди. Турмуш ўртоғи Дилфуза Жўрақулова ҳозирда фарзандлари тарбияси билан банд. Истагимиз Даврон Нажимовнинг машаққатли изланишларини келгусида фарзандлари давлом этириб, отаси каби ўз соҳасининг билимдони бўлсин. Ҳамкасбимиз хотираси доимо ёдимиздадир.

Фармакология фани тиббиёт илмида ўзига хос аҳамиятга эга. Сабаби, ҳеч бир шифокор фармакологик билим тасаввурига эга бўлмай, бу касб сирларини ўргана олмайди. Худди шундай фан йўлида фидойи меҳнат қилган азиз инсонлар боис, тиббиёт тизими ривожланаверади. Шу сабабли биз тилга олган инсонлар Ўзув Зокиров, Дарवेशали Тешабоев ва Даврон Қаршиевларнинг хотираси ҳамisha қалбимизда яшайди. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан улар номини ёдга олиш ва хотирлаш, келгуси авлодлар учун ибрат мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.

Бахтиёр ШОИСЛОМОВ,
Тошкент тиббиёт академияси фармакология кафедраси мудирини, профессор.
Толиб МУЙАНОВ, кафедра доценти.

ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Хотира – эзгу фазилат, олий инсоний туйғудир. Инсон зоти борки, ҳар доим, ҳар сония ўтганлар хотирасини ёдга олиб, тириклар ҳақида дуо қилиб яшайди. Ажойиб шифокор, меҳрибон устоз Шариф Фафоров ҳам ана шундай ўз касбининг моҳир билимдони, соҳанинг жонқуяр вакили эди. Афсуски, азиз замондошимиз бугун ораимизда йўқ...

Оддий ишчи оиласида таваллуд топган Шариф Фафоров ёшлигидан тиббиётга меҳр қўйди. Унинг орзуси амалга ошиб, Самарқанд тиббиёт институти талабаси бўлди. 1963 йилда институти тамомлаб, илк фаолиятини Самарқанд вилояти Булунғур туман қишлоқ врачлик шифохонасидан бошлади. Кейинчалик Самарқанд тиббиёт институтининг марказий лабораториясида кичик илмий ходим сифатида ишлаб, мазкур йўналишда изланишлар олиб борди. 1974 йилда эса Ш. Фафоров номзодлик ишини хи-

моя қилди. 1975-77-йилларгача Самарқанд вилоят бош педиатри, 1977-81-йилларда Самарқанд шаҳар 2-сон юқумли касалликлар шифохонаси ва шу кунга қадар бир нечта шифохоналарда бош шифокор лавозимларида самарали фаолият юритди. Умрининг охириги йилларида устоз Шариф Фафоров Самарқанд Давлат тиббиёт институти қошидаги врачлар малакасини ошириш факультетиде ишлади. Аммо бешафқат ўлим азиз инсонни бугун ораимиздан олиб кетди. Ажойиб шифокор кўплаб шогирдларга устозлик



қилди, илмий-ўқув қўлланмалар муаллифига айланди. Ҳамкасблари қатори халқимизнинг дуосини олиб, эл ардоғида бўлиб келди. Шу боис бўлса керак, у киши бир неча бор Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган. Камтарин шифокорнинг босиб ўтган йўллари барчамиз учун ибрат ва ҳамisha қадрлиги билан эъзозланиб келаверади.

Ўзоқ ОМОНОВ.

Эхтиром

Шу кунларда ўлкамизда баҳор шукуҳи кезмокда. Ана шундай мунаввар дамларда ҳам бир лаҳза бўлсин ўтганлар ёди қалбимизни асло тарк этмайди. Ўзим энг навқирон ёшимда, 1938 йили ҳарбий хизматга чақирилиб, кейинчалик Иккинчи жаҳон уруши фронтла-

рида мардонавор курашиб, юртим тинчлигию, чегаралар дахлсизлигини сақлашдек шарафли ишга кирган отахонман. Оллоҳ умр бериб, бугунгидек ёруғ, тинчлик-осойишталик ҳукм суриб турган кунларга етиб келганимга минг бор шукроналар қиламан.

ДОИМО ЭЛ АРДОҒИДА

Ёшим 95 да. Гарчи урушнинг даҳшатли манзараларини кўриб, Сталинграддаги жангларда танкчи сифатида кўпгина қонли кунларнинг гувоҳи бўлсамда, бугунги кунда фарзандлар, неваралар ардоғида соғ-саломат яшаб юрганимдан беҳад мамнунман.

Ўтган йили хонадонимга Белоруссия элчихонасидан вакиллар келиб, Галабининг 65 йиллиги муносабати билан эсдалик медалини топшириб кетишди. Мени қандай қилиб топшигани ҳақида сўраганимда улар: "Сиз каби мўтабар инсонлар бор экан, биз оралиқ масофа қанчалар олис бўлмасин, юртимиз учун тўққан ҳар томчи қонингизни азиз билиб,

кўзимизга тўтиё қиламиз, қадрлаймиз ва муборак номингизни умрбод қалбимиз тўрида сақлаб келаемиз", деганида кўзларимдан қувонч ёшлари келди. Шу маҳалда жангдошларда кезган ёшлик дамларим, ўлим билан юзма-юз бўлган аёвсиз жанглар кинотасмасидай кўз ўнгимда гавдалана бошлади. Ўзим Берлингача бора олмай, 1944 йилдаги жангларнинг бирида оғир яраланиб, 1-гурӯх ногирони сифатида Ватанимга қайтдим. Фронтларда кечирган азобу уқубатлар аламини ҳали-ҳануз чидам билан енгиб келмоқдаман. Галабага ҳам бу йил 66 йил тўлмоқда. Менинг шу кунларга етиб келишимда ўзининг саховати, қалб кўрини аямаган буюқ ин-

сон, жангдошларда ярадорлар дардига малҳам бўлган, урушдан кейинги йилларда эса урология соҳасида кўп йиллар меҳнат қилган Саидакбар Умаровнинг порлоқ хотирасини ёд олиб, унинг олдида ҳамиша таъзимда эканимни изҳор этишни ният қилгандим. Саидакбар ака урушдан кейинги йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг урология кафедрасида ординатор, ассистент, 1963-1964 йилларда Андижон тиббиёт институтининг урология клиникаси доценти, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рентгенология ва радиология илмий-тадқиқот институти экспериментал жарроҳлик бўлими раҳбари ла-

возимларида ишлаган. 1967 йилдан "Тошкент бош қурилиши"га қарашли тиббий-санитария қисми урология бўлимида хизмат қилган эдилар. Соғлиқни сақлаш аълочиси С. Умаров Ватан олдидаги хизматлари учун кўплаб орден-медалларга сазовор бўлган, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Саидакбар ака 1948 йилдан то вафотларига қадар мени доволаб, ўттизга яқин операцияларни ўтказганлар. Қачон уларга мурожаат қилсам, оғринмай муолажа қилиб қўйишларини бир умр ёдимда сақлайман. Саидакбар Умаров вафот этганларидан сўнг у кишининг шогирдлари, шифокор Абдуваҳоб Дадабоев мана бир неча йилдирки, касаллигим бўйича даво муолажаларини кўрсатиб келмоқда. Унинг темир

найчаларни усталик билан ўрнатиши, дилкашлигидан кўнглим тўлиб, қувонганимдан кўзимга ёш келди. Ўша кундан эътиборан ҳар ойда меҳрибон шифокорим, доцент Абдуваҳоб Қодировичнинг қабулига қатнаб, муолажаларни олиб турибман. У билан елкама-елка ишлаб келатган малакали шифокор-уролог Нуриддин Фуломов, ҳамширалар Салима Пўлатова, Саида Абдусаматова, Дилфуза Юсупжонова, боғловчи ҳамшира Азиза Тожиёва ва бошқалар ўн беш йилдан кўп йиллардан берди, умримга умр қўшиб келишмоқда. Хотира ва қадрлаш кунидек улуг айём арафасида оқ халатли халоскорларим, энг аввало, Саидакбар Умаровни хотирлаб, Оллоҳдан охиратлари обод бўлишини сўраб қоламан.

Ушбу шукуҳли байрам кунларида биз каби фахрийларни муборакбод этиб, иззат-икром кўрсатишда. Мен эса меҳр-мурувват бобида бағри кенг, азиз шифокорларимни улуг айём билан чин дилдан қутлаб, сеvimли газетам орқали Сизларга яна бир бор ўз миннатдорчилигимни изҳор этман. Биз каби кўнгли ярим, табаррук инсонларга кўрсатган саховатингиз ҳамиша эл ардоғида бўлиб юраверсин.

Умаржон МУЗАФФАРОВ, Тошкент шаҳри, Иккинчи жаҳон уруши 1-гурӯх ногирони.

«Устоз-шогирд» анъанаси амалда

ЕТУК КАДРЛАР -
ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ГАРОВИ

Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши туфайли касб-хунар коллежи ўқувчиларини иш билан таъминлаш, уларга малакали устозларни бириктириш, халқ ичида «Устоз-шогирд» анъанасини давом эттириш каби устувор вазифалар давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги II Республика тиббиёт коллежи негизда ҳам бу каби ижтимоий тадбирлар кенг оммалашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун «Устоз-шогирд» анъаналарини жорий этиш тўғрисида»ги буйруғи ва муваққат Низом талабларига асосан, тиббиёт коллежларида тайёрланаётган кадрлар сифатини ошириш, улар олган назарий билимларни амалиётда мустақамлаш ва чуқурлаштириш, мутахассислик бўйича зарур кўникмалар ҳамда иш тажрибасини пухта ўргатиш юзасидан «Устоз-шогирд» анъаналарини жорий этиш, тиббиёт коллежларининг даволаш-профилактика муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик ишларини такомиллаштириш мақсадида 2-Республика тиббиёт коллежида иш берувчи қорхона ва ташкилотлар билан кўпгина лойиҳалар ҳамда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Демократия ва фуқаролик жамиятига асосланган давлатимизда ёшлар тарбияси энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда биз тарбиялаётган ёшларга боғлиқ. Бундай улкан вазифани бажарувчи, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи асос эса – билимдир.

Бугунги кунда ёшлар билан ҳам назарий, ҳам амалий ишларни биргаликда бажаришда илм даргоҳларининг ўрни бе-ниҳоя катта бўлмоқда. Хусусан, талабаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари олий қадрият эканлигини ҳис этишлари учун, аввало, уларнинг илм олиши, танлаган мутахассислигини мукаммал эгаллаши, фан чўққиларини забт этиши учун 2-Республика тиббиёт коллежида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Қуни кеча мазкур тибби-

Бу эса бугунги ёшларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга бўлган эътиборнинг амалий биз кўринишидир. Жумладан, бирининг коллежда ҳам «Устоз-шогирд» анъанаси бўйича Республика эндокринология маркази, 1-шаҳар клиник шифохонаси, 5-болалар шифохонаси, шаҳар ва тумандаги мавжуд даволаш муассасалари, 19, 42, 21-оилавий поликлиника раҳбарияти ҳамкорлигида ишлар давом этмоқда. Ўқувчиларни хунар ўргатишга бўлган рағбатлантириш турли воситалардан фойдаланишни талаб қилмоқда. Шу боис, юртимизда касб-хунар ўрганишга иштиёқманд ёшлар сафи кенгаймоқда. Ўрта махсус билим юрғлариде ўқитиш тизимини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ўқувчиларнинг билим ва касб-хунар маҳоратларини амалий машғулотлар орқали мустақ-

камлашга ундаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

– Коллежни битириш арафасида турган 1270 нафардан зиёд ўқувчи ўқув амалиёт машғулотларига жалб қилинган. Улар шартнома асосида эгалланган билимларини амалиётда татбиқ этмоқдалар, – дейди коллеж амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосари И. Каюмова. – Мазкур жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида иш берувчи ташкилот раҳбарлари ва тегишли тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари белги-ланмоқда. Ягона мақсадимиз, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг келажақда жамият ва тараққиётимиз, халқимиз саломатлиги йўлидаги масъулиятли вазифаларда фаолият юритишларига қўмаклашишдир.

Ишонамизки, «Устоз-шогирд» анъанаси келажақда ёшларни касб танлаш бўйича қизиқиш ва истакларини рўёбга чиқаради.

Гўзал ИСКАНДАРОВА, 2-Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси.

лар бўйича директор ўринбосари М. Солиқова. – Бу борада ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бўлажак оиланинг мустақамлиги, туғилажак фарзандлар соғлом бўлишида никоҳланувчи шахсларнинг жисмонан ва руҳан соғломлиги муҳим аҳамият касб этади.

Учрашув сўнида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича тадбир иштирокчиларидан етарли ва қизиқарли маълумотлар олдилар.

Умида ҚОДИРОВА, 2-Республика тиббиёт коллежи услубчиси.

МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Кўп йиллардан буён қандли диабет хасталиги билан Навоий вилоят эндокринология диспансерида даволаниб келаман. Ҳар гал диспансерга келсам, мени бош шифокор Б. Искандаров илиқ кутиб олади. Ундан ташқари, стационар бўлими бошлиғи Ж. Муртазоев ҳам касаллик тарихим бўйича даво муолажаларини амалга оширади. Шунингдек, бўлимдаги катта ҳамшира Дилафрўз Қурбонова, ҳамширалардан Дилдора, Умида, Муҳаррам, Садидахон ва Маҳфузаларнинг хушмуомалалик билан кўрсатган амалий ёрдамлари туфайли соғлигим яхшиланиб бормоқда. Шу фурсатдан фойдаланиб, сеvimли газетам орқали номлари тилга олинган барча тиббиёт ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

Акабой БЕКНАЗАРОВ, Навоий вилояти.

* * *

Шунингдек, тахририятимизга Тошкент вилояти Оҳангарон туманида яшовчи фуқаро Замира Мансурова мактуб йўллаб, унда бемор кўп йиллардан буён кўз соҳасидаги катаракта аломатлари билан даволаниб келаётганлигини маълум қилади. Аммо охириги пайтларда унинг соғлиги ёмонлашгач, у Тошкент вилояти кўз касалликлари шифохонасига мурожаат қилади. Клиникада уни бош шифокор Хайрулла Абдувалиев алоҳида назоратга олиб, текширувлар олиб боради. Таҳлиллар натижасидан сўнг бемор Замира Мансурованинг ўнг кўзи соҳасида операция амалиёти ўтказилди. Айни кунда у ўзини яхши ҳис этмоқда. Шу боис, газетамиз орқали барча тиббиёт ходимлари меҳнатига зафарлар тилаб қоламиз.

* * *

Андижон шаҳар 1-сонли саховат уйининг бир гуруҳ қария ва ногиронлари вилоят кўп тармоқли кардиология маркази бош врачлари Абдуғани Юлдашев, малакали жарроҳ Қ. Ҳакимов, ревматолог У. Турсунов, невропатолог А. Тошматовларга кўрсатган сифатли тиббий хизматлари учун ўз миннатдорчиликларини билдирадilar.

* * *

Қашқадарё вилояти Китоб туманида яшовчи фуқаро Шаҳриёр Қурбонов қандсиз диабет касаллиги билан пойтахтдаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали шифокорларига мурожаат қилди. Касаллик ташҳиси аниқлангач, бемор ўн кун мобайнида даво муолажаларини олади. Шифохонадан уйга қайтгач, Қашқадарё вилоятидаги эндокринология диспансерида рўйхатга олиниб, кундузги бўлимда муолажаларни давом эттиради. Шунингдек, у Китоб туман кўп тармоқли поликлиника ходимларининг кўрсатган тиббий ёрдамларидан мамнун эканлигини маълум қилади. Бемор айна пайтда байналминалчи жангчи сифатида ногиронлик гуруҳига олинган. Унинг ҳар кунлик аҳволи туман тиббий экспертиза ходимлари томонидан назорат қилиб турилади. Шу боис, бемор Ш. Қурбонов юқорида номлари тилга олинган барча шифокорларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

* * *

Сурхондарё вилоятида яшовчи бемор Бибибарз Дониёва вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасининг хирургия бўлими мудир Равшанжон Рамазоновдан миннатдор эканлигини айтади. У бўлимдаги тозалик ва озодлик, ходимларнинг хушмуомалалиги хусусида хурсанд бўлиб ёзади. Шунингдек, унинг сўзларига ҳамоҳанг тарзда бир неча даволанган беморлар ҳам ўз дил сўзларини мактуб орқали йўллашган. Шу фурсатдан фойдаланиб, мактуб эгалари вилоятдаги барча тиббиёт ходимлари меҳнатидан мамнунликларини изҳор қилиб, уларнинг машаққатли ишларига зафарлар тилайди.

Конспект врача

СТАНДАРТЫ ЛЕЧЕНИЯ ОСТРОГО КОРОНАРНОГО СИНДРОМА И АЛГОРИТМЫ АГРЕССИВНОЙ ТЕРАПИИ

1. ОСНОВНЫЕ ТЕРМИНЫ

Острый коронарный синдром – группа клинических симптомов, позволяющих подготавливать острый инфаркт миокарда или нестабильную стенокардию (НС). Включает в себя ОИМ, ИМ с подъемом ST (ИМБТ ST), ИМ, диагностированный по изменениям ферментов, по поздним ЭКГ-признакам, и НС. Термин появился в связи с необходимостью выбора лечебной тактики до окончательного диагноза перечисленных состояний. Используется для обозначения больных при первом контакте с ними и подразумевает необходимость лечения (ведения) как больных с ИМ или НС.

Острый коронарный синдром с подъемами сегмента ST. Это больные с наличием боли или других неприятных ощущений (дискомфорта) в грудной клетке и стойкими подъемами сегмента ST или “новой” (впервые возникшей или предположительно впервые возникшей) блокадой левой ножки пучка Гиса на ЭКГ. Стойкие подъемы сегмента ST отражают наличие острой полной окклюзии коронарной артерии. Целью лечения в данной ситуации является быстрое и стойкое восстановление просвета сосуда. Для этого используются тромболитические агенты (при отсутствии противопоказаний) или прямая ангиопластика (при наличии технических возможностей).

Острый коронарный синдром без подъемов сегмента ST. Больные с наличием боли в грудной клетке и изменениями на ЭКГ, свидетельствующими об острой ишемии миокарда, но без подъемов сегмента ST. У этих больных могут отмечаться стойкие или преходящие депрессии ST, инверсия, сглаженность или псевдо-нормализация зубца T. ЭКГ при поступлении может быть и нормальной. Стратегия ведения таких больных заключается в устранении ишемии и симптомов, наблюдении с повторной (серийной) регистрацией электрокардиограмм и определением маркеров некроза миокарда (сердечных тропонинов и/или креатинфосфокиназы МВ-КФК). В лечении таких больных тромболитические агенты не эффективны и не используются. Лечебная тактика зависит от степени риска (тяжести состояния) больного.

Диагноз “Острый коронарный синдром” носит временный характер и должен быть трансформирован в ОИМ или НС в течение максимум 3 суток.

Инфаркт миокарда без подъемов сегмента ST (ИМБП ST) – острый процесс ишемии миокарда достаточной тяжести и продолжительности, чтобы вызвать некроз миокарда. На начальной (ных) ЭКГ нет подъемов ST. У большинства боль-

ных, у которых болезнь начинается как ИМБП ST, не появляются зубцы Q, и в конце концов диагностируется ИМ без Q. ИМБП ST отличается от НС наличием (повышением уровней) маркеров некроза миокарда, которые при НС отсутствуют.

Нестабильная стенокардия (НС) – острый процесс ишемии миокарда, тяжесть и продолжительность которого недостаточны для развития некроза миокарда. Обычно на ЭКГ нет подъемов ST. Отсутствует выброс в кровоток биомаркеров некроза миокарда в количествах, достаточных для диагноза инфаркта миокарда.

Огромное значение в современной неотложной кардиологии имеет временной фактор, в том числе:

Время от начала (появления) клинических проявлений ОКС – самый важный показатель, определяющий тактику лечения: тромболитическая терапия (ТЛТ),

первичная ангиопластика или другое. Для первых двух тактик это время не должно превышать 6 (лучше 3) часов.

– Время до поступления – крайне важный показатель, выражается в часах от первого медицинского контакта с больным до доставки в стационар.

– Время до начала тромболитической терапии – показатель, выражается в часах от первого медицинского контакта до начала ТЛТ. Этот показатель должен быть менее 60 минут.

– Время до начала первичной ангиопластики должно составлять не более 90 минут. Хотя в условиях Узбекистана этот стандарт не применим в большинстве случаев, однако организация неотложной кардиологической помощи должна учитывать перспективные возможности и стремиться к сортировке больных.

РЕКОМЕНДАЦИИ: необходимо введение в практику кардиологических стационаров и амбулаторий вышеперечисленных диагностических формулировок и временных параметров. Необходимо внедрение этих формулировок, а главное, стратегий, лежащих за ними, также и в работу первичного звена скорой помощи, поликлиник, СВП, районных центров СМП.

2. ДИАГНОЗ**РЕКОМЕНДАЦИИ:**

1. Необходимо установить вероятный диагноз (ОКС, ОИМ, НС):
 - *Собрать анамнез (использовать ПРОТОКОЛ 1);*
 - *ЭКГ в 12 отведениях в течение 10 мин от первого контакта;*
 - *При наличии возможности контроль тропонинов крови.*
2. Необходимо установить категорию риска данного пациента:
 - *Использовать ПРОТОКОЛ 2.*
3. Необходимо установить необходимость экстренной реваскуляризации:
 - *Использовать ПРОТОКОЛ 3.*

2.1. Установление вероятного диагноза

Любое самостоятельное обращение пациента в медицинское учреждение или скорую помощь по поводу дискомфорта с грудной клетке уже подозрительно в отношении ОКС. Больные с подозрением на развитие ОКС, могут иметь дискомфорт в грудной клетке, с и без иррадиации в руки, дискомфорт в спине, шее, эпигастрии, нижней челюсти, одышку, слабость, тошноту, потливость. Необходимо помнить о атипичных формах ОКС. Острые коронарные синдромы могут проявляться атипично, особенно у молодых (25-40 лет) и пожилых (> 75 лет) больных, больных диабетом и женщин, больных хронической почечной недостаточностью и деменцией. Атипичные проявления НС включают в себя боль, возникающую преимущественно в покое, боль в эпигастрии, остро появившиеся расстройства пищеварения, колющую боль в грудной клетке, боль с признаками, присущими поражению плевры, или нарастание одышки. В этих случаях правильной диагностике способствуют указания на более или

менее длительное наличие ИБС.

ОБЫЧНО ПАЦИЕНТЫ С ОКС ЭТО:

